



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ РАВБАТЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИ

Вахобжонов Дилмурод Дилшодбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Одилов Нурилло Шукуралло ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 309-ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18228330>

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг рағбатлантириш усуллари тушунчаси, ушбу усулларни қўллаш тартиби, олимларнинг фикрлари ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг рағбатлантириш усуллари амалиётда қўллашда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, рағбатлантириш усуллари, такомиллаштириш.

Аннотация: В данной статье рассматриваются понятие методов поощрения инспекторов по профилактике правонарушений, порядок применения этих методов, мнения ученых и проблемы, возникающие при практическом применении методов поощрения по профилактике правонарушений, а также пути их решения.

Ключевые слова: инспектор по профилактике, профилактика правонарушений, методы поощрения, совершенствование.

Замонавий жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақат мажбурий чоралар билан чекланиб қолмасдан, рағбатлантириш ва мотивацион усулларни ҳам қўллашни талаб этади. Ўзбекистон Республикасида Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ҳуқуқ тартиботини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Улар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда умумий, махсус, яқка ва виктимологик чораларни амалга оширадилар. Рағбатлантириш усуллари эса, айниқса, илгари судланган шахсларнинг ижтимоий мослашиши, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш ва жамоатчилик иштирокини рағбатлантириш орқали самарадорликни оширади. Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилганидек жамоат тартибини сақлаш ва

хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича ҳам самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда профилактика инспекторларининг хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда рағбатлантириш усуллари қўллашсиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки юртимизда инсон қадри учун тамойили асосида ҳар бир фуқарога хуқуқбузарликларнинг олдини олишда рағбатлантирувчи усуллари қўллаш орқали уларнинг хуқуқбузарлик содир этишини олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Рағбатлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев *“Фақат жазолаш билан қўрқитиб, хуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди”*¹ деб бежизга таъкидламаганлар.

Дунё статистикаси маълумотларига кўра бир йилнинг 8 ойи мобайнида ушбу дастур фаол татбиқ қилинган мамлакатларда ўртача 750 минг қамоқ, 1млн. жиноят очилишига 7млрд. долларлик наркотик воситалар олиб қўйилишига, жабрланувчиларга 1,9млрд. доллардан ортиқ моддий бойликлар қайтариб берилишига, шунингдек дастур иштирокчиларига 88 млн. доллар рағбатлантириш пуллари тўланган².

«Рағбатлантириш» усули асосан хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланилади, бироқ умумий профилактика ҳам бундан мустасно эмас. Умумий профилактикани амалга оширишда рағбатлантириш усули асосан хуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектларига нисбатан қўлланишини кузатиш мумкин. Мақсад – хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда субъектлар фаоллигини ошириш. Бунинг бевосита республика миқёсида ўтказиладиган «Намунали милиция таянч пункти» (ҳозирда ички ишлар органлари таянч пунктлари) кўрик танлови ҳамда ушбу кўрик танловда профилактика инспекторлари ва жамоат тузилмалари аъзоларини рағбатлантириш чоратадбирларида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 300-моддасига кўра тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва жамоа сининг жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажаргани тўғрисида хабардор қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ва прокурор

¹ Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш дарсидан 3-бет.

² Америка Қўшма Штатлари Адлия департаментининг расмий сайти// www.ojp.usdoj.gov/cows

– тақдимнома, суд эса ажрим чиқариши каби чора-тадбирлар нинг мазмунида кўриш мумкин³.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8-январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 15-сон қарори қабул қилинган⁴.

Ушбу қарорнинг 2-бобида Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш асослари белгиланган. Унга кўра қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда фуқаролар ва жамоат ташкилотлари рағбатлантирилиши мумкин:

қасддан содир этилиши режалаштирилаётган ёки содир этилаётган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиши ёхуд тўхтатиши;

тайёргарлик кўрилаётган жиноят ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши натижасида жиноят содир этилишининг олди олинishi;

қасддан содир этилаётган жиноятни тўхтатиши ва уни тўлиқ фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши;

фош этилмаган жиноят бўйича уни фош этишга кўмаклашувчи далилларни аниқлаши ёки уни содир этган шахслар ёхуд уларнинг қаерда эканлиги ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши натижасида жиноятнинг фош этилиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қидирув эълон қилинган шахснинг яширинган манзили ҳақида хабар бериши, уни ушлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши;

бедарак йўқолган шахс ҳақида берган маълумоти асосида унинг аниқланиши;

аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги тарғибот-ташвиқот тадбирларида фаол иштирок этиши ва уни бевосита амалга ошириши;

³ Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш дарслигидан 65-бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8-январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 15-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3499747>.

жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида таклиф ва ташаббусларни амалга жорий этиши⁵.

Фуқаролар ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳар бир тасдиқланган хабар учун мазкур Низомнинг 14-бандида белгиланган рағбатлантириш миқдорининг:

маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун — 50 фоизгача;

унча оғир бўлмаган жиноятлар учун — 75 фоизгача;

оғир жиноятлар учун — 100 фоизгача;

ўта оғир жиноятлар учун — 150 фоизгача;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қидирув эълон қилинган шахсларни топишда ёрдам берганлиги учун фуқароларга бериладиган рағбатлантиришнинг миқдори, ушбу шахслар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, юқоридагиларга мос равишда, 50 фоиздан 150 фоизгача пул маблағлари билан рағбатлантирилади⁶.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг «рағбатлантириш» усули айрим профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ахлоқан тузалаётган ва ўзида ижтимоий ижобий хулқ-атвори шакллантира бошлаганларини эътироф этиш ҳамда шу муносабат билан имтиёз ёки имкониятлар бериш ёхуд фуқароларни ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланишга қизиқтириш, ундаш кабилардан иборат. Рағбатлантириш профилактик таъсирнинг муҳим усуллари билан бўлиб, шахснинг ижобий қарашларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Рағбатлантириш моддий, маънавий ёки ҳуқуқий бўлиши мумкин. Рағбатлантиришдан кўзланган асосий мақсад профилактика қилинаётган шахснинг ижтимоий муҳит билан муносабатини тўғри йўлга қўйишдан ва жиноий ниятларидан қайтаришдан иборат. Ушбу усулнинг қўлланилиши қуйидагиларда намоён бўлади:

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8-январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 15-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3499747>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8-январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 15-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3499747>.



1) шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи аломатлар мавжудлигида муддатидан илгари профилактик ҳисобдан чиқариш;

2) шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи аломатлар мавжудлигида муддатидан илгари маъмурий назоратни ечиш тўғрисида судга тақдимнома киритиш;

3) жиноят содир этган шахснинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолат ларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиниб, шартли ҳукм қўллаш;

4) озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкум ларни ўрнатилган тартиб-қоидалар талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги учун жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш;

5) ўрнатилган тартиб-қоидалар талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги учун озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатан жазо нинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;

6) муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, шунинг дек белгиланган муддатнинг камида ярми ўталган бўлса, унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича судья томонидан корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириш;

7) ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва восита ларини тўлиқ ўзлаштирган ва улардан самарали фойдаланган шахслар нинг ютуқларини жамоа олдида эътироф этиш;

8) ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва восита ларини ишлаб чиқиш ҳамда оммалаштиришда фаол иштирок этган шахсларни моддий ёки маънавий жиҳатдан рағбатлантириш⁷.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида профилактика инспекторларининг рағбатлантириш усуллари қўллаш фаолияти жамият ҳуқуқий тартиботини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Қонунчилик ва илмий

⁷ Ўшани ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш дарслигидан 119-бет.

тадқиқотлар асосида ушбу усулларни такомиллаштириш орқали ҳуқуқбузарликлар даражасини сезиларли даражада пасайтириш мумкин. Келажакда ушбу соҳада фуқаролар ҳуқуқбузарлик содир этиши камайиб боради. Мамлакатимизда рақамли технологияларни кенгайтириш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш орқали рағбатлантириш усуллари кенг қўллаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш дарслигидан 3-бет.
2. Участие полиции зарубежных стран в профилактике преступности. М.: ВНИИ МВД России, 2007. С 37.
3. South N. Privatizing Policing in European Market: Some Issues for Theory, Policy and Research // European sociological review. Oxford, 1994. Vol. 10. № 3. P. 220.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8-январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 15-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3499747>.
5. Атажанов Ў. М. и др. бозорлар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлили //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 152-162.
6. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Умиджон Жамолиддин Ўғли Обиджонов. "профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2024): 33-39.
7. Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov."muhim hodisa bo'lgan holda kasallikning muhimligini tekshirishni profilaktikasi". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.
8. Мустофақулов Б. А. Ў., Ибрагимов А. Ш. Ў. профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилишни такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 22-26.

9. Мустофақулов Б. А. Ў., Алламуратов А. С. У. профилактика инспекторларининг аҳоли олдида ҳисобот беришда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 67-72.
10. Мустофақулов Б. А. Ў., Сирожиддинов И. Р. Ў. профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш чоратадбирларини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 52-56.
11. Мустофақулов Б. А. Ў., Мамарахимов А. М. Ў. одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4-2. – С. 217-221.
12. Мустофақулов, Б. А. Ў., & Жумаев, С. Ж. Ў. (2025). профилактика инспекторининг сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш бўйича профилактикасини такомиллаштириш. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 140-146.
13. Мустофақулов Б. А. Ў., Фозилов Х. Х. Ў. профилактика инспекторининг маъмурий ҳудуддаги ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 5. – С. 32-36.
14. Мустофақулов Б. А. Ў. и др. профилактика инспектори томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳисобот бериш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 133-139.

